

Ziraat Bank Uzbekistan АЖ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди реестри ҳисобида турувчи банклар қаторига киради ва ушбу маълумот билан “Омонатларни кафолатлаш агентлиги” давлат муассасасининг қуйида келтирилган расмий веб-сайтидаги «REYESTR» тугмаси орқали танишишингиз мумкин.

www.fgd.uz

**Ўзбекистон Республикасидаги омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида
АХБОРОТ**

1.	Ziraat Bank Uzbekistan АЖга жойлаштирилган омонатлар кафолатланиши	Банкдаги омонатлар Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади
2.	Омонатларни кафолатлаш асослари	Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни
3.	Кафолатлаш ҳодисаси	Банкнинг тугатилиши (ёпилиши)
4.	Кафолатладиган омонатлар тури	Талаб қилиб олингунча сақладиган омонатлар, шу жумладан банк карталаридаги маблағлар, муддатли ва жамғарма омонатлар, шунингдек мазкур омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар
5.	Компенсация миқдори	Банк тугатилганда ҳар бир омонатчига, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, жами тўладиган компенсация миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
6.	Бир банкда омонатчининг бир нечта омонатлари мавжуд бўлган тақдирда тўладиган компенсация миқдори	Омонатнинг миқдори ва валютасидан қатъи назар омонатчининг ушбу банкдаги ва унинг филиалларидаги барча омонатлари ҳисобланган фоизлар билан жамланади ва улар бўйича тўладиган компенсациянинг умумий миқдори 200 000 000 сўмдан ошмайди
7.	Бир нечта банк тугатилган ҳолда компенсация миқдори	Бир нечта банк тугатилган тақдирда, мазкур банкларда омонатлари мавжуд бўлган омонатчи ҳар бир банк бўйича алоҳида тартибда 200 000 000 сўмдан ошмаган миқдорда компенсация олиш ҳуқуқига эга
8.	Компенсация тўлаш муддати	Банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 20 иш куни мобайнида: 2026 йил 1 январдан бошлаб - 15 иш куни; 2027 йил 1 январдан бошлаб - 7 иш куни.
9.	Компенсация тўладиган валюта	Чет эл валютасида қўйилган омонатлар бўйича компенсация банк тугатилган (ёпилган) санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича миллий валютада (сўмда) тўланади
10.	Боғланиш учун маълумотлар	<i>Омонатларни кафолатлаш агентлигининг манзили:</i> Ўзбекистон Республикаси, 100027, Тошкент ш., Қоратош кўчаси, 1 уй (Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси биноси), <i>ишонч телефони:</i> +99855 550 0500, <i>эл.почта манзили:</i> info@uzoka.uz <i>веб-сайт манзили:</i> www.fgd.uz